



Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Зулм қиёмат
күнідаги күп зұлматлардир» (Мұттафақұн алайҳ).

«**Любовь к родине**» : «**Любовь к родине**»).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир қарич ерга зулм (билин эгалик) қилса, (қиёмат куни) ўша бир қарич ерга (тагидаги) етти қават ерни (қўшиб) унинг бўйнига осиб қўйилади» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг зиммасида биродарининг орномусига нисбатан қилган зулм ё (моли ё жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирҳам (пул) бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У қунда)



агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олиниб, унга юкланди», дедилар (И мом Бўхорий ривояти).

«**Любовь**» : «**Любовь**» { «**Любовь**» }).

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло золимни маълум вақт қўйиб қўяди. Токи (бир куни) уни (азоб билан) ушлаганида, қўйиб юбормайди (саломат қўймайди)», дедилар, сўнг қуидаги оятни ўқидилар: «**Парвардигорингиз (ахли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир**» (Ҳуд: 102) (Муттафақун алайҳ).

Шарх:

Зулмнинг хатари улкан, оқибати ёмондир. У охиратда ўз эгаси учун зулматларга айланади, Аллохнинг қаттиқ азобига гирифтор килади.

Бүгүнги дарсдан олиналыган фойдалар:

1. Золимнинг дунё-ю охиратдаги уқубати қаттиқdir;
 2. У қиёмат куни ўз эгаси учун зулматларга айланади;
 3. Аллоҳ таоло золимни зулмида авжига чиқиши учун қўйиб беради, бир кун келиб ушлаганда жуда қаттиқ азоб билан ушлайди.